

Иброҳим БЕК



БҶСА

Иброҳим Бек

Б Ў С А

(Ҳикоялар ва бадиалар)

“Katalak” нашриёти
Тошкент – 2016

УЎК: 821.512.133.

КБК: 84(5Ў)7

И-51

Иброҳим Бек

Бўса

И.Бек. Бўса/ҳикоялар. Иброҳим Бек. - Тошкент: “Kamalak” нашриёти, 2016 йил. 80 бет.

Иброҳим Бекнинг бугунги кун кишисининг орзу ва умидларга тўла қалб кечинмалари ҳамда ҳаётимизда учраб турадиган баъзи бир кимсаларнинг бойлик ортидан қувиб инсонийлик қиёфаларини йўқотишлари каби ҳаётий ҳикоя ва бадиалари бу китобдан жой олган.

ОҚСОҚОЛНИНГ БИР КУНИ

Шаҳар автобусига чиққан ўрта бўйли, миқти, келишган ота ўтирган ва турганларга бир разм солди. Унинг жисмоний меҳнатда суяги қотганлиги бўлиқ мушакларидан ва дадил юришларидан сезилиб турар, юзларидаги қатъият ушлаган жойини узиб олишидан дарак берарди. Соат эндигина тўққизга бораяпти. Автобусларда одамлар камая бошлаган. Ўриндикда ўтирган ёшлар аввал чолга, кейин атрофдагиларга қарашди. Кўпчиликнинг фикри бир хил. “Ким ўрнидан туриб жой берар экан. Фақат мен турмасам бўлди”. Учта ўспирин оқ кўйлак, қора шимда қулоғига плейер тақиб олган, кўзлари эса қўлларидаги “Айфон” телефонида. Ўриндикқа ўтириб олиб, ҳар бири ўз телефонидаги ўйин билан овора. Чол уларга бир зум тикилиб қолди...

– Ота, келинг, манави жойга ўтиринг, – деб ўрта ёшлардаги киши ўрнидан турди.

– Йўқ, болам, сиз ўтираверинг, мен мана бу жўжаҳўрозлар билан бир гаплашиб кўяй.

– Ҳой бола, – деб ўспириннинг тирсагини ушлади.

Ўспирин норози ҳолда аста бошини кўтариб, отага қаради. Қулоғидагина ечмай, безрайганча қараб тураверди.

– Қулоғингдагини еч, – деди ота қабтий, қўли билан қулоғини кўрсатиб.

Ўспирин қулоғидан тугмачаларни олиб, – нима дейсиз, деди.

– Тур ўрнингдан, тарбиясиз. Мактаб ёки коллежингда, отанонг катталарга автобусда жой бер деб ўргатмаганми?

– Йўқ, ўргатмаган, – деди ўспирин кўрслик қилиб.

– Ўргатмаган бўлса, мен ўргатаман. Тур ўрнингдан. Ҳе, ўша сени тарбия қилганни падарига ...

Бола безрайиб, қовоғини уйиб турди. Бўш жойга бориб турди-да қулоғига плейер тугмачаларини тақиб, қўл телефонини очиб, яна ўйинга шўнғиди. Отанинг ёнида ўтирган

яна икки ўспирин бошини кўтармай, қўл телефонларини ўйнаб ўтиришарди. Ота ўриндикқа ўтиргач, яна автобустагиларга бир қараб чиқди. Баъзи ёшлар ўриндикда ўзини ухлаганга солиб, кўзларини юмганича ўтириб кетишмоқда. Баъзилар юзларига жиддий тус бериб, ўзларини жуда катта муаммони ҳал қилаётгандай тутар эди. Лекин сергак ўтирган ва турганлар ҳам йўқ эмасди. Ёнида ўйин билан банд ўспиринни кўли билан аста туртди. Йигитча бошини кўтариб, қулоғидан тугмачаларни олди-да, отага қаради, унинг юзидан “шеригимни турғаздингиз, сизга яна нима керак” деган маънони укса бўларди.

– Шу ўйин ўрнига китоб ўқисанг бўлмайдами? Ақлингга ақл қўшилармиди?

– Автобуста китоб ўқиб бўлмайди, кўзни ишдан чиқаради, – дадил жавоб берди ўспирин.

– Нима, қўл телефонидаги ўйин кўзингни ишдан чиқармайдами? Бунда ҳам кўзинг зўриқади-ку!

Йигитча индамай қўл телефонини ўчирди-да, ўриндикдан турди. Бу ҳолатни кўриб, иккинчи ўртоғи ҳам турди.

– Қани, ёши катталар, келинлар, жой бўшади, – деб ота бошқаларни ўтиришга чорлади. Ёши қирқлардан ошган бир аёл ва киши келиб ўтиришди.

– Ёшларнинг шунақа бўлишига ўзимиз айбдормиз. Чарчабди, телефонида муҳим ишларни ҳал қилаётгандир деб индамаймиз. Ўзимизни ўзимиз ҳурмат қилмасак, ёшлардан талаб қилмасак, уларни тарбия қилмасак, улар бошимизга чиқиб олади-ку бунақада. Сизлар нима дейсизлар? Нега индамай, бефарқ бўлиб турдиларинг?

Улар: – Гапингиз тўғри, – дейишди-да, кўзларини ота олиб қочишди.

– Э, менга бўлаверади, деб яшаш энг ёмон одатдир. Инсон ҳеч қачон, ҳеч бир ишда бефарқ бўлмаслиги керак. Бу гапларимни яхшилаб ўйлаб кўринлар, менинг тушадиган бекатим келиб қолди, – деди-да, ўрнидан турди.

Ота автобусдан тушаётганида кўпчилик орқасидан ҳавас билан қараб туришарди. “Яхшиям шунақа одамлар бор” деган гаплар қулоғига элас-элас эшитилди.

Ота хотира тоши ясайдиганлар олдига борди.

– Уста, мен қишлоқдан келдим. Бизнинг мозорда урушдан қайтган олтмиш еттита одамнинг қабрлари бор. Шуларнинг исми-шарифи, туғилган ва вафот этган кунлари билан хотира тошига ёздириб, қабристон кираверишига қўймоқчимиз. Қишлоғимиз рассомлари чизмасини чизиб беришди, барака топқурлар, шу масалада келгандим, – деб дадил-дадил гапирди.

Қоғоздаги чизмага уста бир кўз югуртирди-да:

– Ота, жуда савобли ишга қўл урибсиз. Бу ишни сизга ўн кунда тайёрлаб берамиз, тахминан мана шундай бўлади, – деб тайёрлаб қўйилган хотира тошларидан бирини кўрсатди. – Бўладими?

– Бўлади, уста жуда яхши тайёрлабсиз. Шу ишни қилсак, яхши бўлади-да, халқ, айниқса, ёшлар ўз боболарининг ким бўлганлигини билишлари керак. Айтишади-ку, тарихсиз келажак бўлмайди деб.

Хотира тоши тайёрлаш нархини келишиб, ота Қўйлик томон йўл олди. У ердан автобусга ўтириб, қишлоғига қараб йўлга тушди. Бектемир йўлидан ўтаётганида бўлаётган қурилишларни, қаддини кўтариб турган икки-уч қаватли уйларни, кенг йўللарни кўриб кўзлари қувонди. “Ҳа, юртбошимизга раҳмат. Халқ фаровонлиги йўлида жуда катта ишларни амалга оширмақда. Бу ҳудуд шаҳарнинг энг кўримсиз жойлари эди. Пойтахтимизга кириш йўллари ҳам борган сари чирой очаётир. Шундай ишлар қилинаётганида, нима учун менинг қишлоғим орқада қолиши керак? Бунақаси кетмайди. Бориб, аввал мачитда, кейин қишлоқ гузарида одамларни хашарга чорлайман”. Шу хаёл ва фикрлар унинг тинчини бузди. Атрофдагиларга бир қараб олди-да, яна кўзи узоқларга тикилди... “Ким эдим, ким бўлдим” ўйларди у.

У икки ёшида отадан қолди. Уч ёшга кирганида катта акаси урушдан қайтди. Акаси уч ука ва уч қизни ота ўрнида тарбия қилди. У ҳам ҳамма қатори мактабга ва армия хизматига борди. Ўқиш учун оилада шароит йўқ эди. Шофёрлик курсини тугатиб колхозда юк машинасини ҳайдашдан меҳнат фаолиятини бошлади. Акаси раҳматли ҳамма укалари ва сингилларини уйлантириб чиқарди. Энг кенжаси бўлганлиги учунми кўпроқ Отабек укасига меҳрибонлик қиларди. То оиласини тиклаб олгунича унга ёнидаги уйдан жой қилиб берди. У ёғига уддабуронлиги сабаблими, оила аравасини ўзи тортиб кетди. Елиб-югуриб данғиллама уйни солиб, халққа том тўйи қилиб, ош берди. Олти фарзанди ва севикли хотини билан эл қатори яшаб келмоқда. Лекин катта акаси уни, қишлоқда бўладиган тўйми, маъраками, ўз ёнида олиб юрарди. Ўша тарбия ва айтган гаплари зое кетмади. Тез орада бригадир бўлиб, халқ ва раҳбарлар эътиборига тушди. У кеч ётиб, эрта турарди. Фарзандларини ҳам уйли-жойли қилди. Неваралари келса, уйга сиғмайди. Ўзи ҳам тиниб-тинчимайдиган, ноҳақликни кўрса, қони қайнаб кетадиганлардан. Аммо ҳеч кимга дағал гапирмайди. Каттани ака, кичкинани ука, ўқиб шаҳарда қолиб кетганларни ҳурмат қилган ҳолда, ёшига қарамай ҳаммасига “катта” деб мурожаат қиларди. Мана, нафақага чиққанига ҳам ўн йилдан ошиб кетди. Қишлоқ аҳли уни оқсоқол қилиб сайлади. Унинг ишбилармонлиги, уддабуронлиги баъзи кўлидан иш келмайдиган хасадгўйларга ёқмайди. Нуқул унинг ишларидан, гапларидан хато ахтариб изза қилишмоқчи бўлишди. Оқсоқолликни топшириб, “қани сизлар ҳам бир ишлаб кўринглар-чи” деб мардлик ҳам қилди. Аммо улар бир-икки йилдан ортиқ ишлай олмай, ўзлари Отабекни қайтадан қўяйлик, ундай ҳеч ким ишлай олмас экан, деб қолишди. “Мен оқсоқол бўлмасам-да, барибир, бу ишларга аралашавераман, бу ахир менинг халқим, ҳаммамиз қариндош-уруғ бўлиб кетганмиз”, деса ҳам, кўпчилик ундан оқсоқоликни тўлалигича

ўз қўлига олишни илтимос қилишди. Туман раҳбарлари ҳам унинг ишларидан мамнун эди...

Ўтмиш хаёллари билан қишлоғига етиб келганини сезмай қолди.

– Ҳа, Отабек ака, ишлар пишдим, хотира тоши бўладиган бўлдим?

Автобусдан тушганидан уни кўрганлар саволга кўмишар эди.

– Акбар, кўчанга кириб бўлмайди. Йўлларинг ўйдимчукур. Қишда кўлмақлар, ёзда чанг-тўзон, қўшнилариингни йиғиб, уч-тўрт машина шағал ташлатмасанг, бўлмайди,– гап бошлади ота.

– Э, ака, йўл давлатники, қилсин-да бунга жавоб берадиганлар. Сиз нега аралашасиз? – саволига савол берди Акбар.

– Мен аралашмасам, ким аралашади. Аввало, бу кўчадан, асосан, ўзинг ва кўшнилариинг юради. Шунинг учун кўчага ўзларинг ҳам қаранглар-да. Давлатнинг йўли бўлса, имкони бўлса, улар ҳам қараб турмас. Кейин, нима учун йўл ёқасига ариқ олмагансизлар? Ариқсиз, сувсиз, дарахтсиз кўча фэйзсиз бўлади ука. Қўни-қўшнингни йиғиб, шу ишга киришинглар. Ўладиган жойда эмассизлар, ахир. Ҳаммалариинг ишляяпсизлар. Деярли ҳаммангда енгил машина бор. Ўзларинг ҳаракат қилмасалариинг, ташқаридан биров келиб, бу ишларни қилмайдику, ука.

– Хўп, ака тушундим, бир ҳафта-ўн кунда айтганингиздай бўлади.

– Раҳмат, ука. Тушунганинг учун. Маҳалланга ўзинг бош бўлгин. Бошсиз маҳалла ҳеч қачон обод бўлмайди.

Ота йўлида давом этди. Маҳалла гузари олдида беш-олти киши нималарнидир тортишиб турарди.

– Э, ана, Отабек ака келди. Нима қилиш кераклигини у киши яхши билади, – турганлар унинг йўлига пешвоз чиқишди.

– Хўш, оғайнилар, нима гап? Ҳаммалариинг ҳаяжондасизлар?

– Отабек ака, мана бу уч маҳаллага ўн кундан бери газ келмаяпти, умуман, газ босими камайганиданми, кўп оилалар қийналиб қолишди. Айниқса, ёш болалилар, қарияси бор хонадонлар. Бундан ташқари, электр токининг келиши ҳам чаток. Жуда кўп ўчиришади. Бир нима қилиш керак, ака, – Умар ака ташвишли, аммо умид тўла кўзлари билан гапирарди.

– Юринглар, ўтирайлик. Бафуржа гаплашамиз. Шошганнинг ақли кетади, деган гап бор. Юринглар.

Улар сўрига ўтиргунча ота нима қилиш кераклигини ўйлаб борарди.

– Гап бундай, оғайнилар, – секин гап бошлади, ўтириб, омин қилинганидан кейин ота. – Битта машина топиб туман электр ва газ тармоғи ташкилотига борамиз. Уларнинг раҳбарлари билан гаплашиб келамиз. Шундай қилсак, яхши бўлади, нима дейсизлар?

– Жуда яхши бўлади, ака, бола йиғламаса, онаси кўкрак бермайди, деган гап бор. Ўзимиз талаб қилмасак, ким биз учун жон куйдиради, – гапни маъқуллади Умар ака.

Улар бориб, ташкилот раҳбарлари ва мутахассислари билан гаплашиб олишди. Улар ҳам ўз талабларини айтишди. Қишлоқдаги кўпчилик истеъмолчилар газ ва электрдан қарздорлигини, бу масалани ҳал қилишда маҳалла фаоллари ёрдам беришларини сўрашди. Шунда оқсоқол бошлик вакиллар баъзи ноҳақ газ ва электр ташкилоти нозирларининг кирдикорлари, одамларни алдаб, кўрқитиб пул олаётганлиги, тўланган қарзлар компьютерганотўғри қиримқилинаётганлиги, буларга кескин чора кўришни талаб қилишди.

– Отабек ака, ҳамма қишлоқ оқсоқоллари сизга ўхшаб жон куйдиришса, давлатимизга ҳам осон бўларди, – деб ташкилот раҳбарлари уларни кўчагача кузатиб кўйишди.

Улар қишлоққа қайтишганида, оқсоқолни гузар ёнида кутиб туришарди.

– Ҳа, Аҳмаджон, нима бўлди, хотининг билан кебсан?



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1989> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1989> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1989>